# М. С. ГОРБАЧЕВ билан Р. ГАНДИнинг биргаликдаги матбуот конференцияси

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Мен ва ўртоқларим бу ерда, Ҳиндистонда халқларимизнинг маънавий муддаолари бир-бирига нақадар яқин ва ҳамоҳанг эканини ҳис эта олдик. Мамлакатларимиз — тарихий тақдири оғир бўлган мамлакатлардир. Ҳиндистон тарихида ҳам, мамлакатимиз тарихида ҳам изтиробли саҳифалар кўп бўлган. Совет ва ҳинд халқларининг ўзгалар ғамига сезгирлиги, адолатга интилишининг, тинчлик ва озодликка бўлган иродасининг кучлилиги эҳтимол шу боисдандир.

Визит вақтидаги воқеаларнинг мазмунига қайтиб, шуни айтмоқчиманки, халқаро турмушнинг энг ўткир масалалари ҳар бир учрашувнинг марказида бўлди. Совет Иттифоқи билан Ҳиндистон дунёни ядро қуролидан халос қилишга эришишни, кескинликни бартараф этишни, Ер юзидаги қайноқ нуқталарни ҳовуридан туширишни энг муҳим вазифа, деб ҳисоблаётганликлари хусусида биз Ганди жаноблари билан якдилмиз. Мана шуларнинг ҳаммаси суҳбатларимиз муаммолари жумласига кирди.

Бундай қилиш мумкин, аммо мухолифлик ва адоват йўлида куч-қудратни бемаъниларча кўпайтириш йўлида бунга эришиб бўлмайди, деб ҳисоблаймиз. Илгари ҳам айтганимдек, зўравонлик позицияси ўзгаларнинг иродасини ўзига бўйсундиришни, кимларнингдир манфаатларини камситишни, қолаверса, ёқмайдиганларни поймол этишни назарда тутади.

Аммо биз аминмизки, бу позициянинг келажаги йўқ, унинг ҳозирги ҳолати эса жуда ачинарли, сирасини айтганда, ўтакетган шармандалидир.

Келажак сари йўл янгича сиёсий фикрлашни қарор топтириш орқали, ядро-космик реалликларини англаш орқали, барча мамлакатларнинг ўзаро боғлиқлигини уқиб олиш орқали, тинчликни ва ишончли хавфсизликни қуришда барча мамлакатлар, ҳамма халқлар, жамики давлатлар қатнашишлари керак, деган эътиқод орқали ўтади.

Гапимнинг охирида Москвада, визит арафасидаёқ, ва бу ерда, Деҳлида ҳам мен Ҳиндистондаги ташкилотлардан, гражданлардан юзлаб телеграмма ва хатлар олганимни айтиб ўтмоқчиман. Улар Совет Иттифоқига, совет халқига қайноқ меҳр-муҳаббат туйғулари билан йўғрилганди. Ҳиндистоннинг кўпгина жойларига боришга анчагина таклифлар тушди. Самимий сўзлар, эзгу тилаклар, мамлакатимизга билдирилган ҳис-туйғулар ва меҳр-муҳаббат учун ҳинд гражданларига, жамоат ташкилотларига, матбуот органларига чин кўнгилдан ташаккур айтаман.

Мен ҳинд ёшларига, студентларига, мактаб ўқувчиларига алоҳида салом ва миннатдорчилик сўзлари айтмоқчиман, афсуски, мен уларни бу сафар фақат автомобилдан кўрдим. Уларнинг шу кунларда бизнинг делегациямизга, совет халқига билдирган ҳис-туйғуларини қадрлайман.

Шундан кейин М. С. Горбачев билан Р. Ганди саволларга жавоб қайтаришди.

**М. С. Горбачевга савол:** Ҳозиргина сиз музокаралар чоғида регионал муаммолар ҳақида гаплашилганини айтдингиз. Қўшма Штатлар Покистонни ҳарбийлаштираётганлиги хусусида фикрингиз қандай?

**Жавоб:** Биз ҳаммамиз — Совет Иттифоқи, Ҳиндистон, Покистон — қўшниларимиз. Қўшнилар доимо тинчликда яшаб, ўз муносабатларини ҳамжиҳатлик руҳида қуришда бир-бирларига ёрдам беришлари керак, деб ўйлайман. Биз Покистон халқи билан яхши, холис муносабатлар тарафдоримиз ва шундай муносабатларга эришиш йўлларини қидириб топмоқ керак. Бошқа йўллар олдиндан айтиб бўлмайдиган оқибатларга олиб бориши мумкин, буни ҳаммамиз эсда тутишимиз лозим. Бу гап Покистон ҳукуматига ҳам тўла-тўкис тааллуқли, деб ўйлайман.

**Р. Гандига савол:** Парламентдаги нутқда СССР билан Ҳиндистон ўртасида космосдан тинч фойдаланиш соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш тўғрисида, космонавтлар тайёрланадиган халқаро марказни барпо этиш ҳақида фикр айтилди. Шу ғояни амалга оширса бўлади, деб ҳисоблайсизми?

**Жавоб:** Бу — ажойиб ғоя, деб ўйлайман. Аммо биз бу ғояни қандай қилиб амалга ошириш мумкинлигини яна бир бор синчиклаб ўйлаб кўришимиз керак. Уни амалга оширса бўлади, деб ўйлайман.

**М. С. Горбачевга савол:** Сиз Хитой билан муносабатларни яхшилашга интилаяпсиз ва Владивостокда шу ҳақда гапирдингиз, биз ҳам бу ишда сизга муваффақият тилаймиз. Мен Сизга мамлакатимиз халқларини қизиқтираётган бир саволни бермоқчиман: Хитой билан муносабатлар нормаллаштирилган тақдирда қадимий чегара низолари эътиборга олинганда, бизнинг мамлакатимизга ҳарбий ва бошқа соҳада таҳдид ўтказилиши хавфи бор эмасми? Кейинги вақтларда Хитой томонидан кўрилган ва унинг аввалги позициясидан қайтишдан иборат бўлган баъзи тадбирлар сизга маълум. Шундай бўлмаслиги учун ва айни вақтда СССР билан Ҳиндистоннинг муносабатларига рахна тушмаслиги учун нима қилиш керак?

**Жавоб:** Сўнгги тилакка келганда шуни айтиш керакки, мен бу ҳақда гапириб ўтдим. Биз Хитой билан муносабатларни яхшилаш учун қилаётган ишлар Ҳиндистон билан муносабатларимизни бўшаштирмайди. Бу қадамлар ҳеч қачон унга зиён етказмайди. Биз Ҳиндистон билан муносабатларни чуқурлаштираверамиз ва ҳозирги визит бунинг исботидир.

Нутқингизнинг бошқа қисмига келганда, (кулги) шуни айтишим мумкин: Осиё регионида барча мамлакатлар ўртасидаги муносабатлар нақадар яхшироқ бўлса ва СССР билан Хитой ўртасидаги муносабатлар нақадар яхшироқ бўлса, дунёнинг шу қисмидаги муҳит шу қадар яхши бўлади. Муҳит яхшиланиб, ҳамкорлик кенгайиб борганида эса ҳамжиҳатлик ортади, ишонч кўпаяди.

**Р. Гандига савол:** Шу кунларда ва бугунги матбуот конференциясида сўзлаган нутқингизда фан-техника революциясининг энг янги ютуқларини Ҳиндистон — Совет ҳамкорлигининг янги истиқболли соҳаси, деб атадингиз. Бу ерда космик марказ ҳақида гапириб ўтилди. Сизнинг назарингизда яна қайси соҳаларда ва қайси янги формаларда бундай ҳамкорлик ривожланиши мумкин?

**Жавоб:** Бу масалаларни бизнинг олимларимиз ва академик Марчук бошчилигидаги совет делегацияси жуда батафсил муҳокама қиладилар, деб ўйлайман.

**М. С. Горбачевга савол:** Бизнинг шимолий чегараларимизга Хитойнинг бостириб кирганлигини қандай баҳолайсиз?

**Жавоб:** Мен юқорида айтганларим билан чекланиб қўя қолишим мумкин эди. Иккала томонда чегара масалаларини ҳамжиҳатлик руҳида, сиёсий воситалар билан бартараф этиш асосида ҳал қилиш истаги бор, деб ўйлайман. Бу — жуда тўғри ёндашув, биз ҳам буни табриклаймиз.

**М. С. Горбачевга савол:** Эрон, Покистон ва Ҳиндистонда 5 миллион афғон қочоғи борлигини биласиз. Бу ерда, Деҳлида, Сиз Деҳли декларациясини имзоладингиз. Совет қўшинларининг Афғонистондан олиб чиқиб кетилиши афғон қочоқларининг ўз уйига қайтиб боришига имкон беради, деб ҳисоблайсизми?

**Жавоб:** Ҳинд журналистлари билан суҳбатда бу муаммо ёритиб берилган эди. Биз — Афғонистон теварагидаги аҳволни сиёсий воситалар билан бартараф этиш тарафдоримиз. Масалага айни шундай ёндашиш хусусида нақадар тезроқ бир фикрга келинса, Афғонистон учун ҳам, қўшнилар учун ҳам шу қадар яхшироқ бўлади. Бу гап қочоқлар муаммосига ҳам тааллуқлидир. Аммо бу муаммо совет қўшинларини олиб чиқиб кетиш билан боғлиқ, деган фикрингизга қўшила олмайман. Биз муаммонинг сиёсий воситалар билан бартараф этилиши тарафдоримиз ва бу соҳада актив позицияда туриб, шу муаммога дахли бўлган ҳамма томонларни бунда иштирок этишга ва ҳамкорлик қилишга таклиф этамиз. Яна такрор айтмоқчиман: бу муаммони яқин келажакда ҳал этиш истиқболлари бор. Биз аҳволни мана шундай баҳолаймиз ва шу баҳо асосида ҳаракат қилаверамиз.

**Р. Гандига савол:** Ҳозирги вақтда Ҳинд океанини ҳарбийлаштириш жараёни давом этмоқда. Шуниси диққатга сазовордирки, океан соҳилларида ядродор давлат йўқ, ҳамма қурол четдан келтирилган, тез орада Ҳинд океанини тинчлик зонасига айлантиришга бағишланган конференция ўтказилади. Бу конференция қандай қарорлар қабул қилиши мумкин бўлур эди?

**Жавоб:** Ҳозирнинг ўзидаёқ БМТ Ҳинд океанини тинчлик зонаси деб эълон қилди. Ўтказилиши лозим бўлган конференция, афсуски, ҳозиргача ўтказилгани йўқ. Баъзи бир манфаатдор ядродор давлатлар бунга тўсқинлик қиляптилар, деб ҳисоблаймиз. Ҳинд океани ядродор давлатларнинг ўзаро курашидан холи бўлган тинчлик райони бўлиши ва бу ерда чоғроқ ҳамда соҳилда жойлашган давлатларга бирон-бир тарзда, шу жумладан ҳарбий йўл билан тазйиқ ўтказилмаслиги керак. Бироқ Ҳинд океани — бутун дунёнинг қисмларидан биридир. Биз бутун планета тинчлик зонаси бўлишини хоҳлар эдик.

**М. С. Горбачевга савол:** Менинг саволим сизларнинг Хитой билан муносабатларингизга тааллуқли. Кейинги вақтларда бу муносабатлар яхшилана бошлади. Башарти, Хитой томонидан Ҳиндистонга қарши ҳарбий мухолифлик бошланса, сизлар кимнинг тарафига ўтган бўлар эдингиз?

**Жавоб:** Агар Осиё регионида ва бу ерда жойлашган буюк давлатлар ўртасида — мен Хитой, Ҳиндистон, Совет Иттифоқини биринчи навбатда шундай давлатлар жумласига қўшаман, — муносабатлар яхшиланса, — бу нарса бутунлай бошқача вазиятни вужудга келтиради ва сизнинг тахминларингиз юзага чиқмайди. Мен бунга аминман. Шунда ҳеч ким қайси тарафга ўтиш ҳақида ўйлашига ҳожат қолмайди. Мен гапираётган тенденция — Осиё регионидаги, шу жумладан Хитой, Ҳиндистон ва Совет Иттифоқи каби мамлакатлар ўртасидаги муносабатларнинг нормаллашуви, яхшиланиши тенденцияси кучайиб бораверади, деб ўйлайман.

**М. С. Горбачевга савол:** Яқинда АҚШ СҚЧ—2 шартномасидан воз кечишга қарор қилиб, қанотли ракеталар билан қуроллантирилган «B—52» бомбардимончи самолётини ишлаб чиқара бошлади. Совет Иттифоқи бунга қандай жавоб қайтаради ва бу нарса қурол-яроғлар устидан контроллик ўрнатиш хусусида олиб борилаётган музокараларга қандай таъсир ўтказади?

**Жавоб:** Бу ҳақда хабар менга матбуот орқали етиб келди. Мен ҳали Оқ уйнинг расмий баёноти билан танишганим йўқ. Ҳақиқатан ҳам шундай қарор қабул қилинган бўлса, бу қарор Рейкьявикда бўлиб ўтган суҳбатнинг бутун мантиқига, ҳатто Рейкьявикдан кейин Американинг қуролсизланиш юзасидан музокараларга содиқ қолиши ҳақидаги баёнотига ҳам зиддир. Айни пайтда у ракетага қарши мудофаа юзасидан ҳужжат билан бир қаторда СҚЧ-2 каби муҳим ҳужжатни менсимасликни намойиш қилади. Биз агар ана шундай қарор қабул қилинадиган бўлса, бу катта хато бўлади деб ҳисоблаймиз. Бу қуролсизланиш йўлларини излашни ва унга ёндашувни қийинлаштиради.

Аммо, шу билан бирга бундай хатти-ҳаракатлар қуролсизланиш, ядро қуролини тугатиш зарурлигини тушунаётган кишиларнинг активлигини ошириши лозимлигини ҳам айтиб ўтмоқчиман. Бу хатти-ҳаракатлар биз, Совет Иттифоқидагилар, ҳаракат қилишга, вақт ўтмасдан туриб биргаликда ҳаракат қилишга даъват этиб, барча халқларга мурожаат қилаётганлигимиз тўғрилигини яна бир карра тасдиқлайди.

**М. С. Горбачевга савол:** Афғонистон проблемасини сиёсий жиҳатдан ҳал этиш учун нима қилиш мумкин? Кеча Бош министр Сизни новаторлик ва дадилликнинг мужассамлашган рамзи деб атади. Унча катта бўлмаган қўшилмаган мамлакатлар группаси Афғонистондаги вазиятни тубдан бартараф этишни ҳал қилишга кўмаклаша олади, деб ҳисоблайсизми?

**Жавоб:** Афғонистон теварагидаги вазиятни сиёсий бартараф этишга кўмаклашадиган ҳамма нарса диққатга сазовор. Бу саволга мен жавоб бердим, унга бирон нарсани қўшимча қилишим қийин. Аммо сизнинг саволингизда сезилган ташвишни тушуниб турибман.

**М. С. Горбачевга савол:** Чамаси Сиз хавфсизлик масалаларини ҳисобга олиб Ҳиндистон билан батафсил таниша олмадингиз. Шу муносабат билан терроризм ва унинг оқибатлари ҳақида нималар дея оласиз?

**Жавоб:** Менинг Деҳлига сафарим биз ишлаб чиққан программага тўла мувофиқ бўлди. Визитнинг мақсади — музокаралар олиб бориш ва фикрлашув учун имкониятлардан мумкин қадар тўлароқ фойдаланиш эди. Биз шунга эҳтиёж сездик ҳамда шунга мувофиқ ҳаракат қилдик ва визитнинг шундай даражасига эришиб тўғри қилдик, деб ўйлайман.

Терроризмга келганда эса бизнинг принципиал позициямиз бутун дунёга маълум: биз терроризмга қатъиян қаршимиз. Бу принципиал қоида бўлиб, ички ва ташқи ишларимизда шу қоидаларга амал қиламиз.

Такрор айтаман: биз — ҳар қандай шаклдаги, айниқса, давлат терроризми шаклини олган терроризмга қатъий қаршимиз.

**М. С. Горбачевга савол:** Сиз афғон проблемасини тезроқ ҳал этишга ишонч билдирдингиз. Бу ишончингиз нималарга асосланишини билишни истар эдим. Сиз Ҳинд океани учун хавфсизлик тўғрисида гапирдингиз. Покистонни бунга жалб этиш ҳақида Сизнинг фикрингиз қандай ва уни сиз қандай тасаввур қиласиз? СССР билан Покистон ўртасидаги ҳамжиҳатликни яхшилашга Сиз қандай қарайсиз ва Сизнингча, яхши қўшничилик муносабатларини сақлаб туришга нима халақит берган?

**Жавоб:** Ҳинд океанини тинчлик ва хавфсизлик зонасига айлантириш хусусидаги таклифларимизга келганда, бу таклифлар Ҳиндистон ҳукуматининг нуқтаи назарига яқин бўлиб, бу ҳақда жаноб Бош министр бу ерда айтиб ўтди.

Соҳил бўйидаги барча давлатлар, шу жумладан Покистон учун ҳам хавфсиз вазиятни вужудга келтирадиган жараёнда қатнашишга биз тайёрмиз. Бу Ҳинд океани зонасидаги бутун ҳамжамиятнинг манфаатларига, тараққиёт ва ҳамкорлик манфаатларига мос бўлур эди.

Энди Афғонистон теварагидаги вазиятни бартараф этиш масаласида ишонч билан қарашга нималар имкон бераётганлиги тўғрисида гапирай. Мен Кордовес миссиясида, бошқа давлатларнинг, шу жумладан Совет Иттифоқининг ана шу проблемани бартараф этишга интилишларида янги жиҳатлар бор, деб ўйлайман. Шу фикрни айтиш билан кифояланаман, чунки изланиш жараёни давом этаётган пайтда бу мавзуни ошкора муҳокама қилиш унча қулай эмас. Бу ана шу изланиш жараёнига халақит бериши мумкин.

Ва ниҳоят, Совет Иттифоқининг Покистон билан муносабатлари тўғрисида. Маълумки, биз Покистон билан ҳамкорлик қилиб келдик ва ҳатто қийин пайтларда Осиёнинг мана шу жойида кескинликни тугатиш учун ўз улушимизни қўшдик. Биз ҳозир ҳам ана шундай ҳаракат қилишга тайёрмиз. Покистон ҳам регионидаги вазиятни нормаллаштиришдан умумий манфаатдорликни ҳисобга олган ҳолда ўз позициясини ўйлаб кўради, деб умид қиламиз.

**Р. Гандига савол:** Сиз Ҳиндистон билан Хитой ўз муносабатларини нормаллаштирадилар, деб ишонч билдирдингиз. Агар Хитой минглаб миля Ҳиндистон территориясини аввалгидек эгаллаб туриб бизга халақит беришда Покистонга ёрдам кўрсатаётган бўлса муносабатларни қандай қилиб нормаллаштириш мумкин. Территориал масалада Сизнинг позициянгиз қандай? Бундунгда Сиз Кампучия проблемасини жаноб Горбачев билан муҳокама қиламиз, деган эдингиз. Бу проблемани муҳокама қилдингизми ва унинг натижалари қандай?

**Жавоб:** Ҳа, биз ҳақиқатан ҳам Кампучия проблемасини муҳокама қилдик ва бу масала хусусида биз аввал бошдан эгаллаган позицияларимизни ўзгартирганимиз йўқ. Масала шундаки, муаммони Полпот режими иштироки билан ҳал этиш тўғрисида гап бўлиши мумкин эмас. Индонезия ва Таиландга сафарим чоғида менга улар ҳам ана шундай позицияда тургандек туюлган эди. Бу баҳсларни бошқа даражаларда давом эттириш учун вақт керак. Биз бу мунозараларни давом эттирамиз.

**М. С. Горбачев:** Ҳақиқатан ҳам Кампучия проблемаси хусусида фикрлашиб олинди, позицияларимиз биргаликда таҳлил этилди ва қиёсланди. Биз муҳокамани давом эттириш ҳақида келишиб олдик. Кампучия проблемаси қандай вужудга келгани маълум ва бу проблема маълум сабабларга кўра катта қурбонлар берган Кампучия халқи манфаатларини кўзда тутган ҳолда ҳал этилиши зарур.

Ҳиндистон билан Хитой ўртасидаги чегара баҳсига келганда эса, бу баҳсни ишонч ва реаллик негизида ҳал этиш учун ҳар иккала мамлакат ихтиёрида ҳамма нарса мавжуд, деб ҳисоблайман. Масалани тўғри ҳал этиш йўли топилади, деб ўйлайман. Бу — Хитой билан Ҳиндистон ҳал этадиган проблемадир.

**М. С. Горбачевга савол:** Бундан йигирма йил муқаддам мамлакатингиз Тошкентда Покистон билан Ҳиндистонни бир-бирига яқинлаштириш учун куч-ғайрат сарфлаган эди. Ҳозир сизлар Ҳиндистон билан Хитой позицияларини яқинлаштиришингиз учун қандай имкониятлар бор? Хитой билан музокараларда шу масала тилга олиндими ёки юз берган аҳволни сифат жиҳатидан яхшилаш учун сизлар ўз ташаббусингиз билан чиқасизларми?

**Жавоб:** Ҳиндистон билан Хитой ўртасида алоқалар мавжуд. Ҳар икки томонни қизиқтираётган проблемаларни равшанлаштириб олиш учун ана шу алоқалардан фойдаланилмоқда.

**М. С. Горбачевга савол:** Сиз афғон қочоқлари у ерда совет қўшинлари тургани учун Афғонистондан чиқиб кетаётгани йўқ, дедингиз. Сиз вазиятни қандай бартараф этишни афзал кўрасиз ва Афғонистон ҳукуматининг таклифларини реал таклифлар деб ҳисоблайсизми? Мужаҳиддинларнинг ҳаракатлари сабабли совет қўшинлари тузоққа тушиб қолди, деб айтиш мумкинми?

**Жавоб:** Ҳозир дунёда шундай аҳвол вужудга келдики, мустақил тарихий ижодиёт майдонига янги-янги халқлар кириб келмоқда. Улар ўз сиёсий ва социал йўлларини танлаб олмоқдалар, ўз йўлларини белгиламоқдалар. Бундай аҳволни биз планетанинг турли жойларида кўриб турибмиз.

Бунга қандай муносабатда бўлиш керак? Биз ҳар бир халқнинг ўз йўлини ўзи танлаб олиш ҳуқуқи тан олинмас экан, нормал халқаро муносабатлар бўлиши мумкин эмас, деб ҳисоблаймиз. Қайси йўлдан бориш, қандай идеологияга эътиқод қилиш, сиёсий ташкилотнинг қандай шаклларидан фойдаланишни ҳал қилиш у ёки бу мамлакат халқинингина ҳуқуқидир. Бу — унинг суверен ҳуқуқи. Кези келганда айтиб ўтай. Аксарият давлатлар — бу ерда сиз вакили бўлган давлат (Канада) ҳам, АҚШ, Совет Иттифоқи, Ҳиндистон ҳам ана шундай танлаш йўлидан ўтган. Нима учун айрим ҳолларда ўз йўлини ўзи танлаш ҳуқуқи тан олинади-ю бошқа ҳолларда тан олинмайди ёки кечикиб тан олинади? Масалан, АҚШ Совет Иттифоқини 17 йилдан кейин тан олди. Ҳолбуки, бир вақтлар Россия Америка мустақиллигини дарҳол тан олган эди. Ҳиндистон ўзини мустақил деб эълон қилганида, СССР ҳинд халқининг ўз тақдирини ўзи танлаш ҳуқуқини тан олганлиги табиийдир.

Бирор халқнинг ўз йўлини ўзи танлаш ҳуқуқидан маҳрум этиш мумкинми, ахир? Бу — можаролар нима учун юз бераётганлигини тушуниб етишнинг умумий шартидир. Халқнинг ўз қонуний ҳуқуқини амалга ошириш ташаббусига ташқаридан халақит берилаётган жойларда можаролар вужудга келмоқда.

Афғонистон — бизга қўшни давлат. Ҳамма режимлар даврида Афғонистон билан муносабатларимиз ажойиб эди. Биз қироллар билан ҳамкорлик қилдик, бош министрлар билан ҳамкорлик қилдик, ана шу мамлакатдаги революцион воқеалар негизида вужудга келган ҳозирги Афғонистон билан ҳамкорлик қиляпмиз. Қандай тузумга эга бўлиш, ўз йўлини ўзи танлаб олиш ҳамда бошқаларга нисбатан анча орқада қолиб кетган ўз жамияти тараққиётига омил бахш этиш Афғонистон халқининг ишидир.

Биз чет мамлакатларнинг аралашуви оқибатида афғон халқининг ўз йўлини ўзи мустақил танлаб олиш ҳуқуқи хавф остида қолган бир пайтда унинг ҳукумати таклифига биноан қўшинларимизнинг чекланган контингентини Афғонистонга юбордик. Биз Афғонистондан чиқиб кетамиз. Совет раҳбарлари қўшинларимиз Афғонистонда қолади деган фикрнинг ўзига йўл қўймайдилар. Биз дўст Афғонистон халқига ишонамиз.

Биз қўшилмаган, мустақил, суверен, ўз ресурсларини, ўзига тааллуқли ҳамма нарсаларни ўзи тасарруф қиладиган Афғонистон тарафдоримиз, бетараф Афғонистон тарафдоримиз. У ерда қандай режим бўлиши эса — афғон халқининг ишидир.

**Р. Гандига савол:** М. С. Горбачев Владивостокдаги нутқида Осиёда, Ҳинд ва Тинч океанлари районида хавфсизлик масалалари юзасидан кенг мулоқот бошлашни таклиф этди. Деҳлида ниҳоясига етган Совет — Ҳиндистон музокараларида ана шу мулоқотни ривожлантиришга қандай ҳисса қўшилди?

**Жавоб:** Ўз нутқларимдан бирида айтганимдек, тинчлик манфаатларини кўзлаб Осиёда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги фикр янги фикр эмас. Бу фикрни бундан деярли 40 йил муқаддам Жавоҳарлал Неру айтган эди. Чинакам тинчлик бўлиши учун халқаро муносабатлар даражаси (фақат Ҳиндистоннинг бошқа давлатлар билан муносабатларигина эмас, балки регионидаги барча мамлакатларнинг ўзаро муносабатлари) янада жиддийроқ, оддий прагматизмдан узоқ бўлиши керак, деб ҳисоблаб келдим. Агар мамлакатлар ўртасида бир-бирларини яхшироқ тушунишга эришилсагина, бу ҳол юз бериши мумкин. Бу иш бошлаб юбориладиган жой сифатида Ҳиндистон ўзини таклиф этишга тайёр.

Матбуот конференцияси тугади, иштирок этганларнинг ҳаммасига миннатдорчилик билдираман.

## БУХОРО — КОРДОВА — БИРОДАРЛАШГАН ШАҲАРЛАР

«Бухоро ва Кордова ўзаро ҳурмат ва яхши қўшничилик руҳини барча воситалар билан қарор топтириш, СССР ва Испания ўртасида яхши муносабатларни кенгайтиришга интилиш юзасидан зиммаларига юксак мажбуриятлар оладилар», — Бухорода Кордова маданияти кунлари қатнашчиларининг битимида ана шу сўзлар ёзиб қўйилди. Бу битим 29 ноябрь куни иккала шаҳар маданият байрами якунланишига бағишланган тантанали йиғилишда қабул қилинди.

Йиғилиш қатнашчилари Кордова ва Бухоро шаҳарларининг жаҳондаги барча биродарлашган шаҳарларга мурожаатини ҳам қабул қилдилар. Бу мурожаатда ядро қуролини батамом ва ҳамма ерда йўқотиш, урушларнинг олдини олиш учун тинчликсевар халқларнинг куч-ғайратларини бирлаштиришга даъват янгради. Ҳужжатларни Кордова шаҳрининг вице-мэри Хосе Луис Вильегас Зеа ва Бухоро шаҳар ижроия комитетининг раиси Ш. К. Хайруллаев имзоладилар.

Ўзбекистонга сафари хотираларини баҳам кўриб, Хосе Луис Вильегас Зеа бундай деди: «Кордова совет шаҳри билан биродарлашган Испаниядаги биринчи шаҳар бўлди. Бу тинчликни мустаҳкамлаш ишига, мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш ишига катта наф беради, деб ўйлайман».

(ЎзТАГ).

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ПРОКУРАТУРАСИДА

Республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг 29 ноябрь куни Ўзбекистон ССР Прокуратурасида бўлиб ўтган мувофиқлаштирувчи кенгашида гиёҳвандликка қарши курашни янада кучайтириш масалалари муҳокама қилинди. Бу соҳада Тошкент областида олиб борилаётган ишлар кўриб чиқилди.

Сўнгги вақтда прокуратура, милиция, суд органларининг наркотик моддали экинлар экишнинг олдини олиш, наркотикларни истеъмол қилиш ва тарқатиш билан боғлиқ бўлган жиноятларнинг олдини олиш борасидаги фаолияти кучайганлиги таъкидлаб ўтилди. Тадбирларнинг биргаликда тузилган плани, Тошкент область ижроия комитети Ички ишлар бошқармасида махсус мувофиқлаштириш комиссиясининг тузилганлиги бу ишларнинг самарали бўлишига ёрдам бермоқда.

Шу билан бирга, кенгашда гиёҳвандликка қарши кураш ишида ҳали бир қанча камчиликлар мавжудлиги уқтирилди. Чунончи, областдаги бир қанча шаҳарлар ва районларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари халқ депутатлари маҳаллий Советлари, комсомол ва касаба союз ташкилотлари, соғлиқни сақлаш ва Давлат агросаноат комитети органлари билан тегишлича баҳамжиҳат ҳаракат қилмаяпти. Меҳнат коллективларида, ўқув юртларида, истиқомат жойларида етарли даражада профилактика ишлари олиб борилмаяпти.

Кенгаш қатнашчилари гиёҳвандликка қарши курашни янада кучайтириш юзасидан конкрет тадбирларни белгиладилар. Таркибида наркотик моддалар бўлган экинларни етиштиришнинг пайини қирқиш, ана шундай қонунга хилоф экинлар экишни ўз вақтида тугатиш учун маҳаллий Советларнинг, колхоз ва совхоз раҳбарларининг масъулиятини ошириш юзасидан Қорақалпоғистон АССР ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тажрибасидан кенгроқ фойдаланишга қарор қилинди.

(ЎзТАГ).

## Жаҳон газеталари саҳифаларида

КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг Ҳиндистонга визитининг асосий якуни шундан иборатки, бу визит СССР билан Ҳиндистон ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик потенциалини оширишга имкон берди, ялпи тинчликни мустаҳкамлашга ҳисса қўшди, ядровий қуролсизланиш, тенг ҳуқуқли ҳамкорлик учун курашаётган кучларнинг позицияларини мустаҳкамлади, — чет эл матбуотининг Деҳлида олий даражадаги учрашувлар ва музокаралар якунлари хусусидаги кўп сонли шарҳларининг асосий мазмуни ана шундай. Газеталар М. С. Горбачев ва Р. Гандининг биргаликдаги матбуот конференцияси тўғрисидаги ҳисоботни кенг ёритмоқдалар.

«Ҳиндустан таймс», «Стейтсмен», «Пэтриот», «Таймс оф Индиа» ва Ҳиндистонда чиқадиган бошқа газеталар совет раҳбарининг визити ниҳоясига етганлиги тўғрисидаги материалларни «Асосий вазифа — ядровий қуролланиш пойгасини тўхтатиш», «Қарашларнинг муштараклиги», «Ҳиндистон ва СССР Ҳинд океанига доир конференция тезроқ чақирилишини ёқламоқдалар» деган катта сарлавҳалар остида кўзга кўринарли жойларда босиб чиқариб, Ҳиндистон пойтахтида бўлиб ўтган учрашувлар ва музокараларни ғоят самарали деб таърифламоқдалар.

Кўпгина мамлакатларнинг газеталари АҚШнинг ядровий каллакли қанотли ракета билан жиҳозланган бир юз ўттиз биринчи «B-52» стратегик бомбардимончи самолётини ҳарбий-ҳаво кучлари қаторига киритганлигини ва бу билан СҚЧ-2 шартномаси қоидаларини бузганлигини қаттиқ қораламоқдалар Америка маъмуриятининг бу қадами қуролланиш пойгасини авж олдиришда янги давра, деб таърифланмоқда.

(ТАСС, 29 ноябрь).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ СЕССИЯСИ ОЛДИДАН

# ХИЗМАТ НАМУНАЛИ БЎЛСИН

### САВДО ВА МАИШИЙ ХИЗМАТ БЎЙИЧА ТАЙЁРЛОВ КОМИССИЯСИ МАЖЛИСИДАН

Республика Давлат план комитети, Ўзбекистон ССР Савдо министрлиги, «Ўзбекбирлашув» правлениеси, Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлиги берган ахборотлардан меҳнаткашларга хизмат кўрсатишни ташкил этишда муайян ишлар қилинганлиги кўриниб турибди. Шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг талаб ва эҳтиёжлари тобора кўпроқ инобатга олина бошланди. Хизмат маданиятини оширишда силжишлар бор. Тайёрлов комиссияси аъзолари тегишли планларни бажаришдаги айрим иш натижаларини қониқиш билан таъкидладилар. Савдо министрлиги системасида товар обороти планини бажармаётган корхона ва ташкилотлар сони камайиб бормоқда. Қишлоқдаги чакана савдо ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан анча ошди. Маиший хизмат кўрсатишда олдинги йилга нисбатан ўсиш кузатилмоқда.

Айни вақтда халқ депутатлари КПСС XXVII съездида қўйилган вазифалар, бугунги куннинг юксак талабларидан келиб чиқиб кўпгина муҳим масалаларга алоҳида эътиборни қаратдилар. Умумий овқатланиш тармоқларини кенгайтириш, капитал қурилиш планларининг бажарилиши, мавжуд қувватлардан оқилона фойдаланиш, қишлоқда маиший хизмат кўрсатиш савиясини ошириш уларнинг диққат эътиборида бўлди.

Республика савдо министри М. Ҳасанов, «Ўзбекбирлашув» правлениеси раиси О. Маҳмудов, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министри Б. Бугров ушбу тармоқлар ишини тубдан яхшилаш учун қандай қайта қуришлар амалга оширилаётгани ҳақида алоҳида тўхталдилар. Аммо муҳокама чоғида сўзга чиққан ва саволлар билан мурожаат этган депутатлар уларнинг эътиборини йўл қўйилаётган қатор камчиликларга қаратдилар.

— Республикамиз пойтахтидаги миллий музика асбоблари фабрикасига хизмат кўрсатаётган 1-ошхонада бўлдим, — деди депутат, Тошкент заргарлик заводининг ишчиси П. Шоҳидова. — Акмал Икромов район ошхоналар трестига қарашли бу ошхонада санитария қоидаларига риоя этилмаётир. Овқат очиқ жойда тайёрланиб тановвул қилинмоқда. Ошхона ремонти шу йилнинг май ойида бошланганича ҳануз ниҳоясига етгани йўқ. Ошхона асбоб-ускуналари ҳам ремонтталаб. Корхона ишчилари бу ҳақда район трестига бир неча бор мурожаат этишган. Аммо ҳамон натижа чиқмаётир.

— Хизмат соҳасида кадрлар билан ишлаш, уларни танлаш ва тарбиялашга эътиборни кучайтириш ҳақида кўп гапирилади. Аммо кўпгина ташкилотларда гап гаплигича қоляпти. Пештахта ортида айрим номуносиб шахслар савдо қилаётганлиги номатлуб ҳол. Бу аттестацияда, албатта, инобатга олиниши керак, — деди депутат Андижондаги 162-қурилиш трестининг электр-газ пайвандчиси Р. Иминов.

Тайёрлов комиссиясининг аъзолари — депутатлар, нотиқларнинг билдираётган фикр-мулоҳазаларини таҳлил қилдилар, келтирилган факт ва рақамларни, депутатлар текшируви, халқ контроли комитети тақдим этган ҳужжатларда қайд этилган камчиликлар билан таққосладилар. Ҳар икки министрлик ва «Ўзбекбирлашув» асосий кўрсаткичлар бўйича планларни узлуксиз бажармаяпти. Буни спиртли ичимлик сотиш камайганлиги билан тушунтирмоқчи бўлаётганлар ҳам бор. Кўпгина ташкилотлар маҳсулот етказиб берадиган корхоналар билан бевосита алоқа боғламаётир, савдо корхоналарининг буюртмаси билан халқ истеъмоли буюмлари тайёрлаш практикаси оммалашмаяпти. Харидорларнинг талаб ва эҳтиёжларини ўрганмай буюртмалар бериш ортиқча моллар тўпланиб қолишига сабаб бўлмоқда. Ўтган беш йилликда мамлакат бўйича бундай ўтмаётган моллар икки марта кўпайган бўлса, Ўзбекистонда 4,5 баравар кўпайганлигини қандай баҳолаш мумкин?! Бу ўринда гап фақат пойабзал, тикувчилик буюмлари, гилам, атторлик буюмлари ҳақидагина кетаётгани йўқ.

Ўз вақтида республика Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрлиги хизмат савиясини кескин ошириш ҳақида қўша-қўша планлар тузгани, тадбирлар белгиланаётгани ҳақида ахборотлар берган эди. Вақт ўтди, аммо сўз ва иш бирлиги таъминланмади. Айрим корхоналарда ўғирлик илдиз отди, планлар барбод берилди. Эндиликда аҳоли жон бошига кўрсатилаётган маиший хизмат бўйича республика Иттифоқда охирги ўринлардан бирида турибди. Эришилган натижа айрим республикалар эришган кўрсаткичдан тенг ярмига кам. Бу ҳақда яқинда бўлиб ўтган СССР Олий Советининг сессиясида ҳам айтиб ўтилди. Кейинги вақтда министрликнинг айрим раҳбарлари алмашди. Тармоқ кадрлар билан мустаҳкамланди. Комиссия аъзолари министрлик ўн иккинчи беш йилликнинг иккинчи йили планларини бажаришда кескин бурилишга эришиши лозимлигини таъкидлаб ўтдилар.

Бугунги кунда ҳар бир кишидан юксак самара билан меҳнат қилиш, жойларда мавжуд имконият ва резервлардан оқилона фойдаланиш талаб этилмоқда. Бу қайта қуриш талабидир. Аммо Савдо министрлиги ҳамда «Ўзбекбирлашув» вакиллари планларни бироз камайтириш керак, деб зорландилар. Депутатлар ва тайёрлов комиссияси аъзолари савдо маданиятини юқори кўтариш учун катта имкониятлардан фойдаланилмаётганлиги, маҳсулотни қадоқлаб сотиш каби тажрибалар суст оммалашаётганлиги, кўчма савдо ташкил этиш, ярмаркалар уюштиришга эътибор оширилиши кераклиги ҳақида мулоҳазаларини айтдилар.

С. МУҲИДДИНОВ,
«Совет Ўзбекистони»
махсус мухбири.

